

---

## Ўзбекистон Суперкубоги Яйпанда ўтказилади

Шу йилнинг 27 февраль санасида Ўзбекистон Суперкубоги учрашуви бўлиб ўтади.

Унда Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони “Пахтакор” мамлакат кубоги сохиби “Насаф”га қарши саф тортади.

Мазкур нуфузли учрашув майдони ҳар икки клуб учун нейтрал бўлиши масаласи ЎФА ва ЎзПФЛ кун тартибида кўриб чиқилган.

Ўтган мавсум Яйпаннинг “Турон” футбол клуби ўз аренасини қайта реконструкция қилди. Шунингдек, клуб қисқа фурсат ичидаги ўз пројекторларини ОФК талаб қилган минимум кўрсаткичларга келтира олди. Шундан келиб чиқиб, мазкур аrena ҳам эндиликда катта учрашувларга мезбонлик қилишга тайёрлиги инобатга олинниб, ЎФА ҳамда ЎзПФЛ ўзаро фикр алмашилган ва Суперкубок учрашувини Яйпанда ташкил қилишга қарор қилган.

“Турон” футбол клуби ва ЎзПФЛ Суперкубок масаласида келишиб олган. Эндиликда ушрашувни юқори савияда ташкил этиш юзасидан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

27 февраль кунги беллашув соат 16:00 да старт олади.

2022-02-01 18:23:17